

## Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари учун гобой чолғусида ўқитиш методикаси

Муқаддас Тоштемирова  
Р.Глиэр номидаги РИММ

**Аннотация:** Ушбу мақолада Болалар мусиқа ва санъат мактабларида гобой чолғусининг ўқитиш услубиётлари, ўқувчилар билан ихтисослик фанинг ўтиш назарияси ва амалиёти ҳақида кенг ёритилиб берилган. Қолаверса пуфлама-дамли чолғулар таълими бўйича гобой созининг ижро техникасини ўзлаштиришнинг ўзига ҳос босқичлари санаб ўтилади.

**Калит сўзлар:** дамли чолғулар, гобой, ансамбль симфоник, камер, оркестр, жанр

## Methodology of oboe teaching for students of children's music and art schools

Mukaddas Toshtemirova  
RSMS named after R.Glier

**Abstract:** In this article, the methods of teaching the oboe instrument in children's music and art schools, the theory and practice of the transfer of specialization with students are described in detail. In addition, specific stages of mastering the performance technique of the oboe sound in the education of wind instruments are listed.

**Keywords:** wind instruments, oboe, symphonic ensemble, chamber, orchestra, genre

Мусиқа маданий ҳаётимизда кенг ўрин тутган, инсон шахсиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган санъат туридир. Мусиқа тарбияси, нафосат тарбиясининг асосий ва мураккаб қирраларидан бири бўлиб, атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга ва қадрлашга ўргатади. Мусиқа инсонни юксак дид билан қуроллантиради ва маънавий дунёқарашини шакллантиради. Малумкиб инсон хиссиётига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, ўқувчиларни нафосат оламига олиб кириш ва ғоявий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Миллий

<sup>1</sup> Азизов, О. (2022). Мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг билим ва малакаларини мустаҳкамлаш. *Общество и инновации*, 3(8/S), 54-58.

маданиятимиз бобокалони Абу-Наср ал-Фаробий «Бу фан таннинг соғлиги учун фойдалидир»<sup>2</sup>, деган эди. Музыка инсонга тез таъсир этувчи эмоционал хиссиётни актив ривожлантирувчи воситадир. Инсон музика билан она алласи оркали танишиб, умрбод музикадан завқ топади ва мадад олади ҳамда инсон рухиятини ажралмас қисми бўлиб хисобланади. Музикадан турли озуқа олиш учун инсон юксак маданиятли, соф қалб эгаси, гўзалликни хис эта оладиган, ўз касбига, Она ватанига меҳр қўйган бўлиши керак. Шу боис ўқувчиларда инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган музика маданиятини тарбиялаш, музика тарбиясининг бош мақсади бўлиб туради. Бу олий мақсадни амалга ошириш учун музика ўқитувчисининг олдига қўйилган вазифалари куйидагилардир:

1. Ўқувчиларда музика санъатига бўлган қизиқиш ва мухаббатни ошириш.
2. Музика фаолиятлар жараёни бадиий ижодкорлик ва хис-туйғуларни ривожлантириш.
3. Асарларнинг бадиий-ғоявий мазмуни воситасида ўқувчиларни ахлокий-эстетик тарбиялаш.
4. Музика дарсларида касб-хунар ва меҳнатга нисбатан ўқувчиларда иштиёқ уйғотиш каби ишларни амалга ошириш керак<sup>3</sup>.

Чолғу ижрочилиги санъати мунтазам равишда ривожланиб, сайқалланиб борадиган ижодий жараён бўлиб, ушбу тизимнинг барча босқичларида ёш созанда назарий ва амалий билимларни етарли даражада ўзида шакллантира олиши ҳамда билим кўникмаларни тўлиқ мустахкамлаш имкониятларига эга бўлади.

Хозирги кунда Ўзбекистон музика таълими тизимида болалар музика ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар, музика ва санъат коллежлари ҳамда олий маскан - консерваторияда пуфлама-дамли чолғулари таълими бўйича гобой чолғусининг ижро техникасини ўзлаштириш ўзига ҳос босқичларидан иборат: бошланғич синфда - гобой чолғуси билан танишиш, ижрочиликга ҳос нафас ва чалиш услубларини эгаллаш; оддий машқлар орқали ўқувчилар учун мўлжалланган асарларни ўзлаштириш; ўрта махсус таълимида - гобой чолғуси ижрочилик маҳоратини такомиллаштириш, маълум даражада мукамалликка эришиш; олий таълимда асосан мураккаб ижрочилик техникани янада мукамаллаштириш, мураккаб ва йирик музика жанрдаги асарларни ўрганиш ва талқин этиш; гобой чолғусида яккасоз, ансамбл ва

<sup>2</sup> Тўраназаров Н. «Музика ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари» Термиз 2006

<sup>3</sup> Азизов, О. (2022). Музика дарсларида ўқувчиларнинг билим ва малакаларини мустахкамлаш. *Общество и инновации*, 3(8/S), 54-58.

оркестр жамоаларда (дамли, камер, симфоник) ижрочилик маҳоратини ошириш ҳамда профессионал гобой ижрочиси сифатида шакллантиришдир<sup>4</sup>.

Гобой чолғусини услубларини ўрганиш ва унинг ижро техникасини ёш авлодга ўқитишдан асосий мақсад - ўзбек мусиқаси истиқболини миллий ва умумбашарий мумтоз анъаналарига бевосита боғлаш ҳамда янги мусиқий тафаккурни барпо этишда ўзига хос ижрочиликни устувор йўналиши этиб белгилашдир.

Келажак ёш авлодни тарбиялашда қўлланадиган замонавий методларини белгилайди. Методика, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усулларнинг, мазмунини англатади. Мусиқа ўқитиш методикаси ўқитувчидан истеъдод, қобилиятлари ва иштиёқлар мавжуд бўлиниши талаб этилади, чунки санъат педогогикаси машаққатли ва жуда масъулиятли соҳадир.

Хозирги кунда мусиқа ўқитиш методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки, бунга қадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Нигматов Р. “Ўзбекистонда гобой ижрочилиги амалиёти” Т.2011
2. Абдуллаев Ф. “Пуфлама ва зарбли чолғулар ижрочилиги” Т 2018
3. Тўраназаров Н. «Мусиқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари» Термиз 2006
4. Нигматов Р. “Гобой ижрочилиги” Т. 2010
5. Салихов Б., Матёқубов Б., “Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи” Т.2007.
6. Азизов, О. (2022). Мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг билим ва малакаларини мустаҳкамлаш. Общество и инновации, 3(8/S), 54-58.

<sup>4</sup> Абдуллаев Ф. “Пуфлама ва зарбли чолғулар ижрочилиги” Т 2018